

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан



-сон

“ 29 ” *avgust* 2014 йил.

«ТАСДИҚЛАНГАН»
Акциядорларнинг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши қарори билан
(2014 йил “___” _____ даги
2-сон баённома)

Бриссе Эрик Бернар

**“O'ZELEKTROAPPARAT-ELECTROSHIELD”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
УСТАВИ**

(Янги тахрирда)

Тошкент шаҳар – 2014 йил.

1-МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ, НОМЛАНИШИ, ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ.

1.1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Акциядорлик жамияти шаклидаги “O’ZELEKTROAPPARAT-ELECTROSHIELD” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси (қуйида матн бўйича – “Жамият” деб номланади) Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори бўйича Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг “TOSHELECTROAPPARAT” масъулияти чекланган жамияти билан бирлашиш орқали қайта номланди ва қайта ташкил қилинди ҳамда Акциядорлик жамияти шаклидаги “O’ZELEKTROAPPARAT-ELEKRTOSHIT SAMARA” қўшма корхонасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Акциядорлик жамияти шаклидаги “O’ZELEKTROAPPARAT-ELEKRTOSHIT SAMARA” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори бўйича қайта ўзгартирилди ҳамда меҳнат жамоасининг ташаббуси бўйича ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, демонополизация қилиш ва рақобатни кучайтириш Давлат қўмитаси (Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси)нинг 1994 йил 26 декабрдаги 774к-ПО-сонли буйруғига мувофиқ давлат корхонасини ислоҳ қилиш натижасида ташкил этилган “UZELEKTROAPPARAT” Акциядорлик жамияти (АООТ)нинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Жамият юридик шахс ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва мазкур Устав асосида амалга оширади.

1.3. Жамиятнинг асосий номланиши:

• Давлат тилида латинча ёзув – “O’ZELEKTROAPPARAT-ELECTROSHIELD” Aksiyadorlik Jamiyati Qo’shma Korxonasi;

• Давлат тилида кириллча ёзув – “O’ZELEKTROAPPARAT-ELECTROSHIELD” Акциядорлик Жамияти Қўшма Корхонаси;

1.4. Қисқартирилган асосий номланиши:

• Давлат тилида латинча ёзув – “O’ZELEKTROAPPARAT-ELECTROSHIELD” AJ QK;

• Давлат тилида кириллча ёзув – “O’ZELEKTROAPPARAT-ELECTROSHIELD” АЖ ҚК”.

1.5. Жамиятнинг юридик ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100105, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, “Толитаржон” кўчаси, 1. E-mail: cc@uzea.uz

Вэб манзил: www.uzea.uz

2-МОДДА. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ), МАҚСАДЛАРИ.

2.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси ва чет эл корхоналарини, ташкилотларини ва фуқароларининг Жамият томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини қондириш;

- Таъсисчи манфаатларида олтимал фойда олиш ҳамда Жамият акциядорлари, шунингдек меҳнат жамоасининг ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини қондириш.

2.2. Фаолият предмети (асосий йўналишлари).

Жамият хўжалик фаолиятининг қуйидаги асосий турларини амалга оширади:

- юқори вольтли ва паст вольтли аппаратуранар маҳсулотларининг, юқори вольтли ва паст вольтли комплект қурилмаларининг (электр шчитлар, энергетик шчитлар, шчитли қурилмалар, пультлар, панеллар ва ҳ.к.) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш;

- халқ истеъмол молларини ва умумий овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш;

- аҳолига ва корхоналарга маиший хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият;
 - биржаларда ва биржадан ташқари бозорда маҳсулотлар савдо-сотиғи, шу жумладан хом ашёлар, ярим фабрикатлар, машиналар, асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа ресурсларнинг улгуржи ва чакана савдоси, шунингдек воситачилик хизматларини кўрсатиш;
 - ишлаб чиқариш, турар-жой, маданий-маиший, ижтимоий ва бошқа мақсадларга мўлжалланган объектларни қуриш ва таъмирлаш бўйича фаолият;
 - корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларга транспорт хизматларини кўрсатиш;
 - Ўзбекистон Республикаси ва чет эл биржаларида ва биржадан ташқари бозорда маҳсулотлар, хом ашёлар, материаллар, машиналар, асбоб-ускуналар ва бошқа ресурсларнинг савдо-сотиғи бўйича брокерлик, маклерлик ва дилерлик хизматларини кўрсатиш;
 - ҳам ўз маблағлари ҳисобидан, ҳам жалб қилинган маблағлар ҳисобидан, шу жумладан чет элдан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан инвестицияларни ташкил қилиш;
 - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.
- 2.3. Жамият рухсатнома талаб қилинадиган алоҳида фаолият турлари билан тааллуқли лицензия олингандан сўнг шуғулланиш ҳуқуқига эга.
- 2.4. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига зид бўлмаган бошқа фаолиятни ҳам амалга ошириш ҳуқуқига эга.
- 2.5. Жамият номуайян муддатга ташкил қилинмоқда.

3-МОДДА. УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ.

3.1. Жамият Устав фондининг миқдори ҳар бири 1751 (бир минг етти юз эллик бир) сўм номинал қийматли 496 157 (тўрт юз тўқсон олти минг бир юз эллик етти) дона эгасининг исм-шарифи ёзилган ҳужжатлаштирилмаган оддий акцияга бўлишган 868 770 907 (саккиз юз олтимиш саккиз миллион етти юз етмиш минг тўққиз юз етти) сўмни ташкил қилади, уларнинг 100%и акцияларга тақсимланган (жойлаштирилган).

3.2. Жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда, Жамият қўшимча эълон қилинган ҳар бири 1751 (бир минг етти юз эллик бир) сўм номинал қийматли 1 000 000 (бир миллион) дона эгасининг исм-шарифи ёзилган ҳужжатлаштирилмаган оддий акция чиқариш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав фонди унинг кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган Жамият мулкларнинг номинал миқдорини белгилайди.

4-МОДДА. УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ТАРТИБИ.

4.1. Жамият Устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали кўпайтирилиши мумкин.

4.2. Жамият Устав фонди (устав капитали)ни акцияларнинг номинал қийматини ошириш орқали кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставига тааллуқли ўзгартиришлар қиритиш тўғрисидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамиятнинг Қузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.3. Жамият томонидан қўшимча акциялар Жамият Уставининг 3.2-бандида белгиланган эълон қилинган акциялар миқдори доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

5-МОДДА. УСТАВ ФОНДИНИ КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ.

5.1. Жамият Устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий миқдорини қисқартириш орқали, шу жумладан Жамият тоқсондан белгусида бекор қилинадиган акциялар бир қисмининг харид қилиниши орқали камайтирилиши мумкин.

5.2. Жамият Устав фонди (устав капитали)нинг акциялар бир қисмини харид қилиш ва бекор қилиш орқали камайтирилишига рухсат берилади.

5.3. Жамият Устав фонди (устав капитали)ни камайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставига тааллуқли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамият Устав фонди (устав капитали)ни камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишда Жамият Устав фонди (устав капитали)ни камайтириш сабабларини кўрсатиб ўтади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

6-МОДДА. ЧИҚАРИЛАДИГАН АКЦИЯЛАР ТУРЛАРИ.

6.1. Жамият акциялари чиқарилган қимматли қоғозлар (эмиссия) эгасининг исми-шарифи ёзилган оддий турдаги акциялардан иборат.

6.2. Акция бўлинмас ҳисобланади. Агар акция умумий мулк эгаллиги ҳуқуқида бир неча шахсларга тегишли бўлса, уларнинг ҳаммаси бир акциядор деб эътироф қилинади ва ўзларининг умумий вакили орқали акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

6.3. Бир турдаги акция унга эгалик қилаётган ҳар бир акциядорга мазкур турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил ҳажмли ҳуқуқлар беради.

6.4. Оддий акцияларни корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга конвертация қилиш мумкин эмас.

6.5. Акция мулкий эгалик ҳуқуқида ёхуд бошқа мулк ҳуқуқида тегишли бўлган юридик ёки жисмоний шахс акция эгаси – акциядор деб эътироф қилинади.

6.6. Оддий акциялар эгасига дивидендлар олиш, Жамият бошқарувида иштирок қилиш ҳуқуқини берадиган овозга эга ҳисобланади.

7-МОДДА. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ ТУЗИЛИШИ, ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ, ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ВА ИЖРОИЯ ОРГАНИ АЪЗОЛАРИ СОНИ, УЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ, УШБУ ОРГАНЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ.

7.1. Жамиятнинг бошқарув органлари Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органидан иборат.

7.1. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМий ЙИҒИЛИШИ.

7.1.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади.

7.1.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият Кузатув кенгашининг раиси, узрли сабабларга кўра у иштирок қилмаган тақдирда эса – Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

7.1.3. Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

7.1.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили якунлангандан сўнг олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, ягона ижроия органи (қуйида матн бўйича – “директор”) билан шартномалар муддатини узайтириш, қайта тузиш ёки бекор қилиш имкониятлари тўғрисидаги масалалар ҳал қилинади, шунингдек “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуinning 59-моддасининг биринчи қисми ўн иккинчи ва ўн учинчи ҳатбошиларига мувофиқ Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

7.1.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган йиғилишлар Акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишлари ҳисобланади.

7.1.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш тартиби, Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда

акциядорларга тақдим қилинадиган материаллар (ахборотлар) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

7.1.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- Жамият Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки Жамият Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш;

- Жамиятни қайта ташкил қилиш;

- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якувий тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва миноритар акциядорлари қўмнтасининг миқдорий таркибини аниқлаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг юқори миқдорини белгилаш;

- Жамият Устав фонди (устав канитали)ни камайтириш;

- шахсий акцияларни харид қилиш;

- Жамиятнинг ташкилий тузилишини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш, шунингдек Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш;

- йиллик ҳисоботни тасдиқлаш;

- Жамиятнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

- Жамиятнинг Кузатув кенгашининг ўз ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича, шу жумладан Жамият бошқаруви бўйича қонунлар билан белгиланган талабларга риоя қилиш бўйича ҳулосаларини тинглаш;

- "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган имтиёзли ҳуқуқнинг қўлланмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни бўлиш ва бирлаштириш;

- "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 8 ва 9-боблари билан назарда тутилган ҳолатларда Жамият томонидан битимлар тузилиши тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонунларга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатларига тегишли масалалар Жамиятнинг Ижроия органига ҳал қилиш учун ўтказилиши мумкин эмас.

7.1.8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун билан назарда тутилган тартибда ва муддатларда, бироқ ушбу қарорлар қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай акциядорларга маълум қилинади.

7.2. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

7.2.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Қонун ва Жамият Устави билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатларига тегишли масалаларни ҳал қилишдан ташқари, Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

7.2.2. Жамиятда миқдорий таркиби 7 (етти) нафар аъзодан иборат Кузатув кенгаши ташкил қилинади.

7.2.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори бўйича Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига улар томонидан ўз мажбуриятларини бажариш даври учун мукофот пуллари тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгаши аъзоларининг вазифаларини бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар учун товон тўланиши мумкин. Мукофот пуллари ва товонлар миқдори Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

7.2.4. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Қонунлар ва мазкур Жамият Устави билан назарда тутилган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланадилар.

7.2.5. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланишлари мумкин.

7.2.6. Жамиятнинг Бош директори Жамият Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

7.2.7. Ушбу жамиятнинг ўзида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари бўла олмайдилар.

7.2.8. Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш кумулятив овоз берish орқали амалга оширилади.

7.2.9. Жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлисини чақирish Жамият Кузатув кенгашининг раиси томонидан ёхуд шахсий ташаббус бўйича Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлисини чақиратилган шахс Жамият Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларини мажлис (ўтказиладиган санаси, вақти, жойи) тўғрисида мажлис ўтказиладиган санага қадар 3 иш кунидан кечиктирмай хабардор қилади. Жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлиси Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси томонидан унинг шахсий ташаббуси бўйича, Жамият Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси (тафтишчи), Ижроия органи аъзосининг талаби бўйича чақирилади.

7.2.10. Жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Кузатув кенгашининг сайланган аъзолари сонидан энг камида етмиш беш фоизини ташкил қилиши керак.

7.2.11. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- Акциядорларнинг йиллик ва иавбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақирish, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 65-моддаси ўи биринчи қисми билан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санани, вақтини ва жойини белгилаш;

- Акциядорлар умумий йиғилишининг ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини ташкил қилиш санасини белгилаш;

- "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 59-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбоши билан назарда тутилган масалаларни Акциядорлар умумий йиғилишида ҳал қилиш учун киритиш;

- мулкнинг бозор қиймати белгиланишини ташкил қилиш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- ички аудит хизматини ташкил қилиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек хисоботларни ҳар уч ойда тинглаб бориш;

- Жамиятнинг Ижроия органи фаолиятига тегишли ҳар қандай ҳужжатлардан фойдаланиш ва Жамиятнинг Кузатув кенгашига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун Жамиятнинг Ижроия органидан ҳар қандай ҳужжатларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматлари учун ҳақнинг энг юқори миқдорини белгилаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчига тўланадиган мукофот пуллари ва товонлар миқдорларн бўйича тавсиялар бериш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби бўйича тавсиялар бериш;

- Жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- Жамиятнинг филиалларини ташкил қилиш ва ваколатхоналарини очиш;
- шўба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил қилиш;
- "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 8 ва 9-боблари билан назарда тутилган ҳолатларда Жамият томонидан битимлар тузилиши тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қонунлар билан белгиланган тартибда тижорат ва нотижорат ташкилотларида Жамият иштироки билан боғлиқ битимлар тузиш;
- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини харид қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамият Устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш бўйича қарорлар қабул қилиш, шунингдек Жамият Уставига Жамият Устав фонди (устав капитали)ни кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
- "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (биржа қимматли қоғозларига ва ташкиллаштирилган биржадан ташқари бозор қимматли қоғозларига қўйиш) нархларини белгилаш;
- Жамиятнинг Ижроия органини ташкил қилиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш;
- Жамиятнинг Ижроия органига тўланадиган мукофот пуллари ва товоқлар миқдорларини белгилаш;
- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга конвертация қилинадиган облигациялар чиқарилиши тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- ҳосил қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисида қарорлар қабул қилиш.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши ваколатларига тегишли масалалар Жамиятнинг Ижроия органига ҳал қилиш учун ўтказилиши мумкин эмас.

7.2.12. Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркиби орасидан Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

7.2.13. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонидан кўпчилик овоз билан қайта сайлаш ҳуқуқига эга.

7.2.14. Жамият Кузатув кенгашининг раиси кенгаш ишини ташкиллаштиради, Жамиятнинг Кузатув кенгаши йиғилишларини чакиради ва йиғилишларда раислик қилади, Жамиятнинг Кузатув кенгаши йиғилишларида баённома юритилишини ташкиллаштиради, Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

7.2.15. Жамият Кузатув кенгашининг раиси йиғилишда иштирок қилмаган тақдирда, унинг вазифаларини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

7.3. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ.

7.3.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик Жамиятнинг Бош директори томонидан амалга оширилади.

7.3.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланадиган Бош директор ваколатлари муддатдан олдин бекор қилинган тақдирда, унинг вазифалари Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори билан белгиланадиган шахс томонидан Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига қадар давр мобайнида вақтинча бажарилиши мумкин.

7.3.3. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича барча масалалар Жамиятнинг Ижроия органи ваколатларига тегишлидир, Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Жамиятнинг Кузатув кенгаши ваколатларига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

7.3.4. Жамиятнинг Ижроия органи Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил қилади.

7.3.5. Жамиятнинг Бош директори Жамият номидан ваколатномасиз фаолият юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ҳимоя қилади, Жамият номидан шартномалар тузади, Жамият филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди, ходимлар штатини тасдиқлайди, Жамиятнинг барча ходимлари томонидан ижро учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Жамият Ижроия органини ташкил қилиш ва унинг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори бўйича амалга оширилади.

7.3.6. Жамият Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига, Жамият билан тузиладиган шартномаларга мувофиқ бир йил муддатга белгиланади, ҳар йили ушбу муддатни узайтириш ёки бекор қилиш имконияти тўғрисида қарор қабул қилинади. Жамият номидан шартнома Жамият Кузатув кенгашининг раиси томонидан ёки Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан ваколат берилган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг Бош директори билан тузиладиган шартномада Жамият фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича уларнинг мажбуриятлари ҳамда уларнинг Жамият йиллик бизнес-режасининг бажарилиш жараёни тўғрисида Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши олдидаги ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилган бўлиши керак.

7.3.7. Жамият Бош директорининг муқофот пуллари миқдорлари бевосита Жамият фаолиятининг самарадорлигига боғлиқ бўлиб, шартнома билан белгиланиши керак.

7.3.8. Жамият Бош директори вазифаларининг бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда бажарилиши фақат Жамият Кузатув кенгашининг розлиги билан амалга оширилиши мумкин.

7.3.9. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият Бош директори томонидан шартнома шартлари бузилганда, Бош директор билан тузилган шартномани тўхтатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

7.3.10. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият Бош директори томонидан Жамият Уставининг кўпол бузилишлари содир этилганда ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) оқибатида Жамиятга зарарлар етказилганда, Жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартномани муддатдан олдин тўхтатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

7.3.11. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан Жамиятнинг Ижроия органи ваколатларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Жамиятнинг Ижроия органи ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисида масала ушбу йиғилишнинг ўзида ҳал қилиниши ёхуд Жамият Ижроия органига раҳбарлик вазифаларини вақтинча бажарувчи тайинланиб, Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

7.3.12. Жамият Бош директорининг сайланиши (тайинланиши) Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори бўйича амалга оширилади.

7.3.13. Жамият Бош директорининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- Жамият ишларини юритиш масалалари, фақат Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши ваколатларига тегишли масалалар бундай мустасно;

- Жамият фаолиятига оператив раҳбарликни амалга оширади;

- шартномалар тузиш санасида Жамият активлари баланс қийматининг ўн беш фоизидан юқори бўлмаган ҳажмда Жамият номидан шартномалар тузади;

- Жамиятнинг Кузатув кенгаши олдида тасдиқланган бизнес-режанин амалдаги қонунлар билан белгиланган муддатларда бажарилиш жараёни тўғрисида ҳар уч ойда ҳисобот беради;

- Жамият номидан ваколатномасиз фаолият юритади, ҳам Ўзбекистон Республикаси, ҳам унинг ташқарисидаги барча муассасаларда, корхоналарда ва ташкилотларда Жамият манфаатларини ҳимоя қилади;

- ҳар хил турдаги шартномаларни тузади ва бошқа юридик ҳаракатларни амалга оширади, ваколатномалар беради, банкларда Жамиятнинг ҳисоб-китоб ва бошқа счётларини очадн;

- Жамият ходимлари ишини ташкиллаштиради;

- Жамият ходимларни ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади, уларнинг меҳнат ҳақи тўлови, моддий ва бошқа рағбатлантириш турлари шакли ва миқдорини белгилайди, жарима солади;

- Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини таъминлайди;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги қонунларга мувофиқ юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан Жамият номидан шикоятлар, даъволар тақдим қилиши тўғрисида қарорлар қабул қилади;

- ўз ваколатлари доирасидаги ҳар қандай бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

7.4. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ.

7.4.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч кишидан иборат Тафтиш комиссияси бир йил муддатга сайланади.

7.4.2. Тафтишчига ва Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига малакавий талаблар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Бир шахснинг ўзи бир Жамиятнинг ўзида кетма-кет уч мартадан ортиқ Тафтиш комиссияси таркибига сайланиши мумкин эмас.

7.4.3. Жамият Тафтиш комиссияси (тафтишчи)нинг ваколатлари “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун билан белгиланади.

7.4.4. Жамият Тафтиш комиссиясининг фаолият юритиш тартиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низом билан белгиланади.

7.4.5. Жамият Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби бўйича Жамиятнинг Ижроия органдаги лавозимни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳужжатларни тақдим қилиши шарт.

7.4.6. Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари бўлишлари, шунингдек ушбу Жамиятнинг ўзида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлашлари мумкин эмас.

7.4.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Жамиятнинг Тафтиш комиссияси, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ташаббуси билан ёки Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг энг камида беш фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар)нинг талабига асосан, Жамиятнинг Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш орқали бир йил ёки бошқа давр мобайнидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

8. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ.

8.1. Жамиятда Устав фонди (устав қанитали)нинг ўн беш фоиз миқдорда захира фонди ташкил қилинади.

8.2. Жамиятнинг захира фонди мазкур Уставнинг 8.1-банди билан белгиланган миқдорга етгунга қадар соф фойдадан ҳар йиллик мажбурий чегирмалар орқали ташкил қилинади.

8.3. Ҳар йиллик чегирмаларнинг миқдори мазкур Уставнинг 8.1-банди билан белгиланган миқдорга етгунга қадар соф фойдадан беш фоиз миқдорни назарда тутати.

8.4. Жамиятнинг захира фонди бошқа маблаглар мавжуд бўлмаган тақдирда, унинг заруратини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини тўлаш, имтиёзли

акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамият акцияларини харид қилиш учун мўлжалланган.

9. ДИВИДЕНДЛАР.

9.1. Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисми ~~дивиденд~~ ҳисобланади.

9.2. Жамият акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

9.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори бўйича дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўлашиши мумкин.

9.4. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мувофиқ равишда тақсимланади.

9.5. Дивидендларни тўлаш, дивидендлар миқдори, ҳар бир турдаги акциялар бўйича дивиденд тўлаш тартиби тўғрисидаги қарор Жамиятнинг Кузатув кенгаши тавсиялари, асосланганлиги тўғрисида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда молиявий ҳисоботлар маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендлар миқдори Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тавсия қилинган миқдордан юқори бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акциялар бўйича дивидендларни тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендларни тўлаш бошланадиган ва тўланадиган саналар кўрсатилган бўлиши керак.

9.6. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият ихтиёрида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

9.7. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати бундай қарор қабул қилинган кундан бошлаб олтиш кундан кечиктирилиши мумкин эмас.

9.8. Эгаси ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси ёки меросхўри томонидан уч йил мобайнида талаб қилиб (йўқлаб) олинмаган дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори бўйича Жамият ихтиёрида қолдирилади.

9.9. Акциядорларга дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун тузилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

9.10. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан олинадиган солиқлар ҳисобга олинмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органлари ва Жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонунлар билан белгиланган муддатларда эълон қилади.

10. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ.

10.1. Акциядорлар – оддий акцияларнинг эгалари “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳамоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилишида унинг ваколатига тегишли барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок қилишлари мумкин, шунингдек дивидендлар олиш ҳуқуқига, Жамият тугатилган тақдирда эса – мулкнинг уларга тегишли улушга мувофиқ қисmini олиш ҳуқуқига эгалар.

Бош директори



Рожук В.П.

Республика Узбекистан Город Ташкент
Двадцать третье августа. Две тысячи четырнадцатого года

Я, Утаулиев С.У. Нотариус Государственной нотариальной конторы № 2 Бектемирского района города Ташкента, свидетельствую подлинность подписи Президента ЗАО «ГРУППА КОМПАНИЙ «ЭЛЕКТРОЦИТ»-ТМ САМАРА» гр. **Бриссе Эрика Бернара** и Ген. директора СП АО «O'ZELEKTROAPPARAT-ELECTROSHIELD» **Royuk Vladimir Petrovich**, которые сделаны в моем присутствии. Личность подписавшего документ установлена, дееспособность их проверена, т.е. при личном общении с ними сомнений не вызвала. На день оформления этого нотариального действия сведений об их недееспособности в нотариальную контору не поступало.

Зарегистрировано в реестре за № *2712*
Взыскано государственной пошлины 1922,10 сум + *76880* сум
2883,15 сум услуги технического и правового характера.

Нотариус:



[Handwritten signature of S.U. Utauliyev]

Утаулиев С.У.



[Handwritten signature of S.U. Utauliyev]

ЖАҲМИ (10) ыярақ
10 бет
Нотариус:



[Handwritten date and name]
28.08.2014
[Handwritten name]